

POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN

2009-yil 25-iyul, shanba

№30(3820)



УЛКАН ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИНИ ОЧДИ

Болалик чоғларимдаёқ юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилаётган тоғамга жуда ҳавасим келарди. Улғайсам, албатта, мен ҳам осойишталик посбони бўламан, дея ният қилардим. Мактабни битиргач, ҳужжатларимни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига топширдим. Ниятим холис экан, курсантлик насиб қилди. Илк бор эгнимга ҳарбий либос кийиб, қасамёд қабул қилганимда, мустақил юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш нақадар шарафли иш эканлигини юракдан ҳис қилдим. Тарихга назар солсак, юртимиз мустамлакачилар дав-



рида не-не кунларни бошдан ўтказмаган дейсиз. Юрт мустақиллиги йўлида курашиб, азоб-уқубатларга гирифтор бўлган бобокалонларимиз орзулари ушалиб, она-Ватанимиз озод диёрга айланди. Биз ёшлар мустақилликнинг, хурликнинг қадрига етиб, шу юрт хизмати йўлида умримизни бағишласак арзийди.

Мустақиллик бизга улкан имкониятлар эшигини очди. Ёшлар ўз танлаган соҳасида бемалол фаолият юритишмоқда, хорижда таҳсил олиб қайтишаётир. Мен ҳам шулар қатори ўзим севган касбни эгаллаганимдан, ички ишлар идораларида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Келажақда устозлар изидан бориб, шу юрт, шу Ватанга муносиб хизмат қиламан. Негаки, мустақиллик улғу неъмат. Уни асраб-авайлаш биз фарзандларнинг бурчимиздир. 2008 йилдан буён Тошкент шаҳар ИИББ ШТБХда инспектор бўлиб хизмат қилмоқдам. Иш жараёнида ўзининг беминнат маслаҳатлари, ўғитлари, йўл-йўриқларини аямаётган устозларим, майор Қодир Атабов ва капитан Шохрух Миразимовдан чексиз миннатдорман. Мустақил диёримиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашга оз бўлса-да ҳиссамни қўшаётганимдан беҳад мамнунман.

Хуршид АСАДУЛЛАЕВ,
лейтенант.

Тошкент шаҳри.

КҮРИК-ТАНЛОВ

Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ватан – киндик қонимиз томган азиз тупроқ, муқаддас ва бебаҳо юрт. Илк бор мурғак қалбимизда кўз очган орзуларимиз, ҳаётимиз ва келажакимизни, қолаверса, борлигимизни усиз тасаввур қилиш қийин. Ундан айро ўтган умрда эса маъно йўқ. Ватаннинг, она заминнинг, юртнинг таърифини том маънода

Кўрик-танловни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Шавкат Икрамов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни тобора яқинлашиб келаятган юртимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан табриклади. Сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ миқёсида голиб деб топилган, ҳозирда ўз истеъдодларини намоиш этиш учун ташриф бу-



ифодалаш учун сўзларнинг ҳам қудрати етмайдигандек гўё. Ана шу заминнинг хурлигини кўриш, озод Ватанда яшаш эса янаям улкан бахтдир. Истиқлолга эришганимизга ҳам 18 йил тўлмоқда. Шу муборак тўйшодиёгани ҳар йили муносиб нишонлаш анъанага айланди. Юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида республикада эълон қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови жойларда қизгин давом этаётир. Куни кеча «Туркистон» санъат саройида ушбу кўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси ИИБ миқёсидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

юрган ички ишлар идоралари ходимларига омад тилади.

Ушбу кўрик-танловда жойларда бўлиб ўтган босқичда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаганлар ўзаро беллашдилар. Уларнинг маҳорати, истеъдодини баҳолаб бориш учун ҳакамлар ҳайъати тuzилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид ҳайъат раиси этиб тайинланди. Унинг ўринбосари

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов, ҳайъат аъзолари М. Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадийий жамоалари дирекцияси раҳбари Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, шоир Рустам Мусурмон, Ўзбекистон Давлат консерваторияси декани, бастакор Муҳаммад Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Анор Назаровлар қатнашчиларнинг ижро этган қўшиқларини баҳолаб боришди. Ватан, унга бўлган садоқат, муҳаббат, хурлик ва озодлик, истиқлолни мадҳ этувчи қўшиқларнинг ранг-баранглиги, ҳар бирининг ўзига хослиги барча ижрочиларнинг ушбу кўрик-танловга қай даражада пухта тайёргарлик кўрганлигини билдириб турарди.

(Давоми 3-бетда).

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

ОСОЙИШТА ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ

Ҳали катта ҳаётий тажрибага эга бўлмаган Мақсуджон Зарипов 2004 йилда Қизилтепа тумани «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бўлакработ, Сўфиён, Қасриашурак, Гумбаз маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пунктига профилактика инспектори этиб тайинланди. Тўғри, ушбу вазифага тайинланишдан олдин республика ИИБнинг Олмалиқдаги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ўқиди. Таҳсил давомида профилактика инспекторининг кундалик хизмат фаолияти бўйича назарий билимларни эгаллади.

Қисқа муддатли амалиёт ҳам утади. Лекин шунга қарамай мустақил фаолиятини бошлаш олдидан қалбида аллақандай ҳадикми, ҳаяжонми бор эди. Бу табиий ҳол. Ахир, институтни тугатгач, бир йиллик ҳарбий

хизматни ўтаб қайтган, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини унча тотмаган ёш йигит вазият тақозо қилганда ўзи тенги, кези келганда ўзидан ёши улғу фуқароларни тартибга чақириши, гоҳида уларга ақл ўргатиши ло-

зим бўларди. Ёш ходимнинг кўнглидан нелар кечаётганини ҳис қилиб турган профилактика катта инспектори, майор Аҳрор Алимов унинг елкасига қоқиб, далда берди:

– Ука, чўчима, тушкунликка тушма. Одам қилган ишни одам қила олади. Фақат хоҳиш, интилиш бўлса, меҳнатдан қочмасанг бас. Ниманики билмасанг, тушунмасанг, мендан сўрайвер. Биров олдинга умид билан келса, ҳеч қачон кўкрагидан итарма. Муаммосини ўзинг ҳал қила олмасанг, ҳеч бўлмаса маслаҳат бер, йўл-йўриқ кўрсат.

Устозининг бу гаплари Мақсуджоннинг қулоғига қўрғошиндек қуйилди. Қасриашурак маҳалласилик бир йигитнинг она-

си кўзига ёш олиб, ўглининг ичкиликка ружу қўйганидан арз қилиб келганида, унинг ҳасратини тинглаб туриб бу масалани шифокорларнинг кўмагисиз ҳал қилиб бўлмасов, деган қарорга келди. Мулоҳазаларини онахонга айтганида, у: «Менга ўғлим ичкиликни ташлаб, эл қаторига қўшилса бўлди. Йўқса ҳадемай уйдаги қўлга илинадиган ҳамма нарсани сотиб адо қилади», – деди. Хуллас, ҳалиги йигит оила аъзоларининг розилиги билан, суднинг қарорига асосан мажбурий даволашнига юборилди. Ҳозирда бинойидек ишлаб юрибди. Отанази хурсанд.

(Давоми 4-бетда).

УШБУ СОҲЛА:

ПРЕЗИДЕНТ
ФАРМОНИНИНГ
4 ЙИЛЛИГИГА

ИСЛОҲОТ
ИНСОН
УЧУН

5

СУД – ЭНГ
ОЛИЙ ҲАКАМ



6

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ШАНХАЙ
ХАВФСИЗЛИК ВА
ҲАМКОРЛИК
ТАЯНЧИ

11

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ
ФАХРИМИЗСАН,

ДАМИР!



14

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● Тошкентда «Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар: бугунги аҳвол ва истиқбол» мавзуда халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, Голландия, Хиндистон, Россия, Украина, Туркия, Эрон, Хитой, Қувайт, Покистон ва Марказий Осиё давлатларидан экспертлар иштирок этди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, жамиятни модернизация қилиш ва демократик янгиланишнинг асосий йўналишлари, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама этдилар.

● Пойтахтимизда ҳакамлик судлари тизимини ташкил этиш, ривожлантириш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда ҳакамлик судларини шакллантиришнинг ташкилий, ҳуқуқий асослари, улар томонидан ҳал этиладиган низолар ҳамда низоларни муқобил тарзда ҳал этиш амалиёти каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

● Тошкент шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Тошкент шаҳрим – гўзал маконим» шиори билан бошланган ободонлаштириш тадбирлари давом этмоқда. Тадбир доирасида пойтахтимизнинг фаол ёшлари, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим маканларининг ўқувчилари пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўчаларни янгилаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Унда шаҳардаги қирқ мингга яқин ўқувчи-ёшлар фаол иштирок этишяпти.

● Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионати ҳамюртларимиз учун муваффақиятли якунланди. Эркин кураш бўйича ёш полвонимиз Умиджон Исманов ўз вазн тоифасида барча рақибларининг курагини ерга теккизиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва Осиё чемпиони бўлди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўрғазмалар залида мазкур академия ва Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, бу борада ижодкорларнинг бурчи ва масъулияти хусусида атрафлича сўз юритилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов Германия Криминал полицияси федерал идораси вице-президенти – Халқаро Жиноят қидирув полицияси (Интерпол) ташкилотининг Европа бўйича вице-президенти Юрген Шток раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Қайд этиш жоизки, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон билан Германия ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Ўтган йиллар давомида барча соҳалар қатори республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан Германиянинг ана шу йўналишдаги идоралари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Айниқса, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, турли соҳавий хизматлар

бўйича ўзаро тажриба алмашиш борасида Германиялик ҳамкасбларимиз билан бир қатор лойиҳалар амалга татбиқ этилди. Ҳар икки томон вакиллари турли даражадаги учрашувлар ва анжуманларда бир неча мартаба иштирок этиб, ўзаро фидо қилишда ва касб маҳоратларини оширишди.

Республика Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлюбов юқори мартабали меҳмонларга мамлакатимизда тинчлик-офойшталликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда криминоген вазият тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, у нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақасига таҳдид тўғдираётган экстремизм, терроризм ва наркоагрессияга қарши ҳамкорликда курашишга эътиборни қаратди.

Булардан ташқари, Ички ишлар

вазирлиги тизимидаги ўқув муассасалари билан Германиянинг шу йўналишдаги муассасалари ўртасида юқори малакали ходимлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилиш имконияти мавжуд. Ҳамкорликнинг янги уфқларига тўхталаркан, Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлюбов икки томонлама муносабатларнинг янгиланиши ва такомиллашиши ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ўз навбатида Германия Криминал полицияси федерал идораси вице-президенти – Халқаро Жиноят қидирув полицияси (Интерпол) ташкилотининг Европа бўйича вице-президенти Юрген Шток самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. У жиноятчиликка қарши курашиш борасида Ўзбекистонда муваффақиятга эришилаётганини эътироф этди. Хориж делегацияси раҳбари юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хавфсизликнинг барқа-

дорлигига юқори баҳо берди. Шунингдек, жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатимизда иқтисодий ўсишга эришилаётганини, замонавий бинолар қад ростлаётганига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Юқори мартабали меҳмон трансмиллий жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун турли анжуманлар ўтказиш истиқболлари хусусида тўхталиб ўтди.

Музокаралар чоғида томонлар ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлардан қониқиш ҳосил қилганликларини таъкидлаб, мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва янги босқичга кўтаришга келишиб олдилар.

Н. ОЧИЛОВ,
лейтенант.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

БОЛАЛАР ВА УЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг ювенал юстиция масалалари бўйича халқаро маслаҳатчиси Рената Винтер хоним бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев қабул қилди.

Мулоқот чоғида Р. Винтер хоним болалар ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш масаласи бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиши, жамиятнинг порлоқ келажаги уларга боғлиқ эканлигини таъкидлади. Шу боис ёш авлод маънавий юксалиши, шахс сифатида камол топишида катталар, оила ва кенг жамоатчиликнинг алоҳида ўрни бор. Болалар билан боғлиқ муаммолар, қизиқишларига бефарқлик уларнинг нотўғри йўлга кириб кетишига сабаб бўлиши мумкинлигига тўхталар экан, бу борада вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик-

ларнинг олдини олишга масъул бўлган ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўрни алоҳида эканлигини айтди. Айниқса, аҳоли билан доимий ва яқин алоқада бўлувчи ички ишлар идоралари ходимларига суяниш даркор, дея ўз фикрини баён этди мартабали меҳмон.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев профилактика инспекторлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маъ-

лумот берди. Юртимиздаги ҳар бир маҳаллада фаолият юритаётган милиция таянч пунктида профилактика инспекторлари, хотин-қизлар кенгаши, маҳалла фаоллари ва посбонлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорлик қилаётгани яхши самара бераёпти. Маҳаллада яшаётган ҳар бир бола катталарнинг назорати ва диққат-эътиборида. Улар ўқишдан бўш вақтларида спорт тўғрақларига жалб қилинган. Мамлакатимизда ёшлар жисмонан соғлом ва маънан етуқ бўлиб камол топишига катта аҳамият берилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини эътироф этди.

Шунингдек, мулоқот чоғида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маърифий тренинг ва семинарлар ташкил этиш, яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича истиқболли режалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: мулоқот пайти.

А. ФАЙЗИЕВ олган сурат.

ХИСОБОТ ЙИГИЛИШИ

КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Қашқадарё вилояти ИИБда жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ички ишлар идоралари томонидан воҳада амалга оширилган ишлар якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ички ишлар тизимларининг мустақил ва соҳавий хизматлари, шаҳар-туман ИИБлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни бошқарма бошлиғи, полковник В. Ходжаев очди. Тадбир давомида бугунги кунда вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, содир этилганларини «иссиқ изида» фож этиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, соҳавий хизматлар ҳамкорлиги, шунингдек, бошқа масалалар атрафлича таҳлил этилди. Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида бажарилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибига киритилган шахсий таркибининг касбий, жисмоний ва жанговар тайёрлиги ҳамда хизмат интизомига оғишмай амал қилишининг бугунги аҳволи ҳам кўриб чиқилиб, соҳавий хизматлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ҳамда тавсиялар берилди.

Ҳисобот йиғилишида республика Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, полковник А. Аҳмедбаев иштирок этди.

С. РАҲИМОВ.

Қашқадарё вилояти.

МУҲОКАМА

КУН ТАРТИБИДА — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Сир эмаски, одам савдоси муаммоси республикамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Башариятни ўйлантираётган мазкур масалага қарши курашиш борасида юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилаётган.

Яқинда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Тадбирда жаҳон ҳамжамияти олдидаги жиддий ва айни пайтда қамрови тобора кенгайиб бораётган одам савдосига қарши курашиш давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди. Шунингдек, одам савдосига имкон яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Айниқса, аҳоли бандлигига эътибор қаратиш муаммонинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди. Шу боис республикамизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг кучини бирлаштириш ва ишларни ҳамкорликда самарали ташкиллаштириш Идоралараро комиссиянинг асосий вазифасидир.

Йиғилишда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссия раисларининг ҳисоботи тингланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мазкур жиноятга қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Фарғона вилояти ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, подполковник Шухрат Омондуллаевич САИБНАЗАРОВ.

Шухрат Омондуллаевич Саибназаров 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Жиззах вилояти ИИБ тергов бўлими назорат-маслаҳат гуруҳининг терговчиси лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Жиззах вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ тергов бўлимининг терговчиси, вилоят ИИБ Тергов бошқармаси катта терговчиси, вилоят ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили, Фориш тумани ИИБ тергов гуруҳининг катта терговчиси, Жиззах вилояти ИИБ шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, республика ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили лавозимларида хизмат қилган.



Навоий вилояти ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, подполковник Насриддин Ҳожиёвич БАРОТОВ.

Насриддин Ҳожиёвич Баротов 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Навоий шаҳар ИИБ тергов бўлимининг терговчиси лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда Навоий вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ терговчиси, катта тезкор вакили, вилоят ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили, Навоий шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи, вилоят ИИБ ТБ катта терговчиси лавозимларида хизмат қилган.



Андижон вилояти ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, майор Азизхон Собирович САИДҲҲАЕВ.

Азизхон Собирович Саидхўжаев 1975 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1998 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси лавозимидан бошлаган. 2002–2009 йилларда республика ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ тезкор вакили, етакчи мутахассиси, вазирлик Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили лавозимларида хизмат қилган.



Жиззах вилояти ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, майор Шухрат Зарифович БЕРДИЕВ.

Шухрат Зарифович Бердиев 1978 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Жиззах вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2000–2009 йилларда Жиззах вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили, ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, вилоят ИИБ Котибияти бошлиғи, Жиззах шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Жиззах вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, Фаллаорол тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Навоий вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Баҳодир Тошпўлатович НОРОВ.

Баҳодир Тошпўлатович Норов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ИИБ ППХ взводи милиционери лавозимидан бошлаган. 1993–1999 йилларда Навоий вилояти ИИБ ЖТСХ инспектори, катта инспектори, Навоий шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Навоий шаҳар ИИБ ЖТСХ ППХ рота командири, вилоят ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили, 1999–2009 йилларда Навоий вилояти ИИБ ЖТСБ бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири ўринбосари, ППХ ва ЖТСБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Сирдарё вилояти Ховос тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Шавкат Шербекевич БЕКМИРЗАЕВ.

Шавкат Шербекевич Бекмирзаев 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ИИБ милиционери лавозимидан бошлаган. 1996–2009 йилларда Сирдарё вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Гулистон шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи, Сирдарё вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Гулистон шаҳар ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, Янгиер шаҳар ва Сайхунобод тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ИИБ бошлиғи, майор Шодиёр Усмонович ИБРАГИМОВ.

Шодиёр Усмонович Ибрагимов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1998 йилда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБ профилактика бўлими милиция участка инспектори лавозимидан бошлаган. 2000–2009 йилларда Сирдарё тумани ИИБ ЖТСХ балоғат ёшига етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи, ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, Гулистон шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Мирзаобод тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



КЎРИК-ТАНЛОВ

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир-биридан жозибали, дилбар куй ва қўшиқлар киши қалбидаги ватанпарварлик, юртга муҳаббат туйғуларини янаям жўш урдиради. Қолаверса, санъатга, куй ва қўшиққа ошно қалблар ҳамиша эзгуликка ҳамоҳанг бўлади деган сўзда ҳикмат бор. Юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилаётган 33 нафар истеъдодли ходимнинг барчаси ҳам мазмундор қўшиқлар ижро этишди. Шу боис ғолиблар ичра ғолибларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун осон кечмади. Ниҳоят энг ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Вазирлик ШТБХ бошлиғи ўринбосари, полковник Зокиржон Тўйчиев фахрли биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Иккинчи ўринни эса ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчиси, майор Савриддин Нажмиёв «Кўнгиллардан бошланар, Ватан» номли қўшиғи учун ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ инспектори, катта лейтенант



Латифжон Ҳасанов «Ўзбекистоним» қўшиғини маҳорат билан ижро этгани учун эгаллашди. ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонандалари Умиджон Қаноатов, Марғуба Маждидова, Али Ниязимбетов, Дилфуза Обляровалар «Азиз Ватан» қўшиғи учун, Транспорт ИИБ ШТБХ муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, капитан Бе-

гали Махмадалиев «Ватан» қўшиғи учун, Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлими отряд командири, майор Қуатбай Шарипов «Ватан» қўшиғи учун учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Фахрий ўринларни қўлга киритганларга дипломлар, пул мукофотлари ва ИИВнинг Фахрий ёриқлари топ-

ширилди. Шунингдек, совринли ўринларни эгаллаган Сурхондарё вилояти Термиз тумани ИИБ ҲООБ инспектори, лейтенант Мақсуда Усмонова, ИИБ Қоровул қўшинлари Бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисм намунали-кўргазмали оркестри артисти, сержант Азизхон Қодирхонов, Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ ҳисобчиси, сержант Комила Пўлатова ҳамда ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони ходимлари, катта сержант Файрат Мансурбоев ва сафдор Бахтиёр Икромовлар Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир сунггида таниқли санъаткорлар ижросида намойиш этилган концерт дастури барчани хушнуд этди. Зеро, санъатга ошуфта қалблар ҳамиша эзгуликка йўлдош бўлади.

Умида БОЛЛИЕВА,
«Постда» мухбири.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

Тошкент шаҳри.

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

ОФАТГА ҚАРШИ ЯНГИ ЛОЙИҲА

АҚШда тез-тез кузатиладиган турли довул ва туфонларнинг олдини олиш мақсадида янги лойиҳа қўлланилиши мумкин, дея хабар беради «The Sunday Times» нашри. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда бу каби табиий офатларнинг асосий қисми океанда илиқ сувнинг кўпайишидан вужудга келади. Агар сув ҳарорати Цельсий бўйича 4,5 даражада музласа, туфоннинг олди олинади.

ЎН УЧ ЙИЛДАН СЎНГ...

Хитойнинг Пекин шаҳрида яшовчи фуқаро ўн уч йил давом этган клиник ўлим ҳолатидан сўнг яна ўзига келган, дейилади «China Daily» нашрида.

Таъкидлаш керакки, бундай воқеа Хитойда биринчи бор кузатилиши эмас. Бундан уч йил муқаддам ҳам 10 йил клиник ўлим ҳолатида ётган аёл ўзига келган.

ЙИРИК АВТОҲАЛОКАТ

Германиянинг Қуйи Саксония федерал ҳудудидаги йўллардан бирида йирик автоҳалокат содир бўлди. «Stern» нашрининг ёзишича, унда 259 та автомобиль иштирок этган. Натижада 66 киши тан жароҳати олган, улардан ўн нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда. Бахтсиз ҳолиса туфайли 30 километр узунликда тирбандлик юзага келган ва автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолган.

ИНКИРОЗ ДАВРИДА ДАРОМАД

«France Presse» ахборот агентлигининг хабарига кўра, жорий йилнинг иккинчи чорагида «Apple» компанияси кўрган соф фойда 1,23 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоизга ортиқдир.

ЭНГ КЕКСА ЭРКАК

Буюк Британияда сайёрамиздаги энг кекса эркак киши – Генри Эллингэм 113 ёшида вафот этди. 1896 йилда туғилган Генри уч аср гувоҳи бўлди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

2009 йил – қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОСОЙИШТА ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу маҳаллалик ота-ўғил жанжали аввалига Мақсуджонни уйлантириб қўйди. Ўз отасининг насиҳатини қулоққа олмаган йигитга менинг гапим таъсир қилармикан, деб ўйлади. Воқеанинг тафсилоти шундайки, Эркин ҳеч бир жойда ёлчилик ишламасди. Тошкентга ишлагани бориб ҳам, бекорга пул сарфлаб, уйга қуруқ қўл билан қайтади. Буям етмаганидек, ҳар куни кайф-сафосига уйдагилардан пул сўради.

Мақсуджон маҳалла фаоллари билан Эркинни уртага олиб роса изза қилишди. «Ота-онанг сени шу умидда вояга етказишганими? Бўйинг буйларига тенг бўлган, билагини кучга тўлган пайтинг. Тоғни урсанг талқон қиласан, энди уларнинг қорига ярашинг лозим», дейишди. Эртаси куни уни «Азимали келажак» фермер хўжалиги раисининг олдига эргаштириб борди. Қаловини топиб айтилган гап ҳар қандай одамга ҳам таъсир қиларкан-е. Бошқа бекор юришга Эркиннинг йигитлик ори, ғурури йўл қўймади. У ишлаб топган пулига мол-ҳол қилди, уйланди. Ҳозир уйим-жойим дейдиган йигит. Ота-онанинг ҳам ҳурматини жойига

қўяди. Кўрган киши «Киройи ўғлинг шундай бўлса», деб ҳавас қилади.

Маҳаллаларнинг ҳаётини ўрганишда Мақсуджонга кўча вакиллари, кайвонилар яқиндан ёрдам беришди. Чунки улар ҳар бир оиланинг аҳволини, дарду ҳасратини яхши билишади-да. Мақсуджон, айниқса, муқаддам судланганларнинг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор берди. Одатда, гараз ниятли кимсалар ўз режаларини бемаҳалда — эл ширин уйқуда ётганида амалга оширишади. Шунинг учун маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, тунги навбатчилик ташкил қилди. Бемаҳалда юрган, шубҳали туюлган бегона шахслардан кимлиги, нима мақсадда келганлиги суриштирилди. Натижада ўғирликларга деярли чек қўйилди.

Ўзбек топганини тўйга, иморатга сарфлайди. Айниқса, тўйда топган-тутганини дастурхонга қўяди. Кўпинча, ичкиликлар ҳам тортилади, албатта. Хурмачасига сиққанидан ортиқ ичиб, жанжал чиқарадиганлар ҳар ерда ҳам топилади. Шунинг учун Мақсуджон маҳалла посбонлари билан тўйхоналарда то тўй тарқагунча бўлишиб, турли кўнгилсизликларнинг олдини олишарди.

Ана-мана дегунча орадан беш йил ўтиб кетибди. Жорий йилнинг апрель ойида катта лейтенант Мақсуджон Зарипов Қизилтепа туманининг «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган 40-МТП профилактика инспектори этиб тайинланди. Энди муайян тажриба тўплаган эмасми, биринчи галда янги жойдаги вазиятни ўрганишга киришди. Худудда беш нафар муқаддам судланган шахс, иккита оилавий жанжалкаш бор экан. 22 киши ов милтиғига эгаллигини кўриб ичида маҳаллалардан бири бежизга «Милтиқчи» дея аталмаскан деб қўйди.

«Қорадори» талбири чоғида маҳалла фаоллари, туман ИИБ вакиллари билан бирга барча хонадонларни кўздан кечиришди. Текширишлар чоғида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик етиштирилган уч фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Апрелнинг охири эди, чамаси. Фуқаро Эркин Жўраев уйдаги эҳтиёт қисмлар сақланадиган хонадан беш дона автомашина шинаси ўғирлангани ҳақида арз қилиб қолди. Мақсуджон воқеа жойини кўздан кечириб, излар босилмаслиги чорасини кўриб, дарҳол тергов-тез-

кор гуруҳини чақиртирди. То гуруҳ аъзолари етиб келгунча суриштирув ишлари ўтказиб, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ўсмир Ш. Каримов кўпинча жабрдийданинг ўғли билан уларнинг ҳовлисида ўйнаб юришини аниқлади. Профилактика инспекторининг гумони тўғри чиқди. Ўғрилиқни ҳақиқатан ҳам шу ўсмир қилган экан. Автошиналар топилиб, эгасига қайтарилди.

Мақсуджон муқаддам судланганларнинг ҳаммасига ишга жойлаштирилди. Улардан бири устидан маъмурий назорат ўрнатишга ҳам тўғри келди. Сабаби, у бир марта оиласида жанжал қилиб жаримага тортилди. Иккинчи марта эса белгиланган муддатда қақирлиганида суҳбатга етиб келмади. Қоидабузарларга нисбатан тегишли таъсир чораси кўрилмаса, бу ҳолат одат тусига кириши ҳам мумкин-да.

Яқинда Мақсуджон Зариповнинг ташаббуси билан «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла оқсоқоллари, фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, туман прокурорининг ёрдамчиси қатнашишди. Йиғилишда жиноятчиликнинг,

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тўй-маъракаларни тинч-осойишта, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масалалар бўйича кўпчилик ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этди.

Кўз тегмасин, маҳаллалар туну кун тинч-осойишта. Қаердаки осойишталик ҳукмрон бўлса, ўша ерда ободончилик, фаровонлик бўлади. «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғини бунга ёрқин мисол. Яқинда бу ерда фермер Акмал Холиқовга қарашли 80 ўринли кичик ғишт заводи ишга тушди. Ҳадемай 25 иш ўринли паррандачилик фермаси ҳам қуриб битказилади. «Коинот» фермер хўжалигида ҳам битта паррандачилик фермаси бунёд этилмоқда.

Бу яна қўшимча иш ўринлари яратилади, аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланади, дегани. Ф. Облоқулов ҳомийлигида қишлоқдаги барча уйлар оқланди, кўчалар ободонлаштирилди, 5 км узунликдаги йўлга асфальт ётқизилди. Маҳаллалар тобора чирой очмоқда. Буларнинг барчаси, юқорида айтганимиздек, тинчлик-осойишталик шарофатидандир.

Бобомурод ТОШЕВ.

Навоий вилояти.

ИБРАТ

МАҲОРАТ ТАЖРИБАГА БОҒЛИҚ

Каттақўрғон шаҳар ИИБ катта терговчиси, подполковник Асом Неъматовга ўзи ҳақида гапириб беришни илтимос қилганимда, у таржимаи ҳолини қуруққина сўзлаб берди. Кун жуда иссиқ, яна суҳбатдошимнинг чарчагани ҳам шундоққина кўриниб турарди. Хизмат фаолияти тўғрисида оғиз жуфтлашим билан бирдан чехраси ёришиб кетди. Чарчоқни ҳам унутди чоғи ҳикоясини бошлади.

... Бу воқеа 1994 йилда бўлган. Ёнбош қишлоғидаги мактабларнинг бирида ойлик маош билан бирга жамоанинг ҳар бир ходимига учтадан лотерея тарқатилди. Уқитувчи Маҳмуд Исमतов (исм-шарифлар ўзгартирилди) бироз вақт ўтгач, лотереяга ютуқ чиққан-чиқмаганлигини билиш мақсадига шаҳардаги банкка борди. Лотереяларни текшираётган, автомашина ютиб олиши учун бир неча рақам етмай қолади. Шунда у ютуқли лотерея ҳаммасиларининг бирида бўлиши мумкинлигини тахмин қилиб, уйга қайтади. Улардан лотереяларни йиғиб олиб, ўзи ёзиб олган рақамлар билан бирма-бир солиштириб кўради. Ютуқли лотерея чиқмагач, ёдига фаррош Ойсулув тушиб қолади. Маҳмуд фаррошнинг хонадонига келганида, у рўзгор юмушлари билан банд, эри эса томда нимадир қиларди. Маҳмуд ҳаммининг лотереясини шаҳарда текшириб келгани ҳақида аёлга айтади. Агар хоҳлашса, уларнинг лотереясини ҳам солиштириб келишини таклиф қилади. Ойсулувнинг эри томда туриб, хотинига чиптанинг рақамларини ёзиб қолишни тайинлайди. Аёл рақамларни кўчириб, лотереяни

аввал ёзиб олган рақамлар билан солиштириб кўрганларида эса уларда фарқ борлигини аниқлайдилар.

Ойсулувнинг эри ҳеч иккиланмай Маҳмуднинг олдига боради. Унинг даъволарини тинглаган Маҳмуд бу ишда ҳеч қандай англашилмовчилик бўлмаганини ишонч билан айтади. Асадбек бироз қизишиб «Чиптамининг олганингни исботлаб бераман», — дейди.

Ойсулув ва Асадбек маслаҳатлашиб, ички ишлар идораларига мурожаат этишга қарор қилишди. Мазкур ишни тергов қилиш Асом Неъматовга топширилади. Тергов ҳаракатлари жараёнида довдираб қолган Маҳмуд ёшларни чақирққа тайёрлаш фани ўқитувчиси би-

лан ютуқни бўлишига келишиб, «Лотерея эгасиман», деб айтишни тайинлайди. Бироқ ҳақиқат юзага чиқди ва лотерея эгасига қайтарилди. Жиноятни фаш этишда терговчининг маҳорати, тажрибаси қўл келди.

Асом Неъматов Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига тахсил олиб қайтгач, ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғон шаҳридаги корхонада ҳуқуқшунос сифатида ишлайди. Кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат бошлади. Бу эса бежиз эмасди. Унинг отаси Маматкул ака узок йиллар давомида ички ишлар тизимига самарали хизмат қилиб, тезкор вакилликдан туман ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимига бўлган шарафли йўлни босиб ўтиб, майор унвонига истеъфого чиқди.

А. Неъматов ички ишлар идораларидаги хизматни 1990 йилда жамоат тартибини сақлаш хизматида инспектор сифатида бошлади. Шу йилнинг ўзида уни терговчи лавозимига ўтказишди. У кўп йиллар тергов соҳасида турли лавозимларда хизмат қилди. Айна дамда эса Каттақўрғон шаҳар ИИБда катта терговчи сифатида фаолиятини давом эттираяпти.

Асом ака турмуш ўртоғи Замирахон опа билан тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Ҳозирда улар уч нафар набиранинг меҳрибон бува ва бувижониси.

Дилбар Салоҳиддинова.
Суратда: Каттақўрғон шаҳар ИИБ катта терговчиси, подполковник А. Неъматов.
Муаллиф олган сурат.

ЎЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

«ГУЛИСТОН» — СЎЛИМ МАСКАН

Қашқадарё вилояти ИИБ тасарруфидати «Гулистон» номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида бу йил ҳам ёзги мавсумни кўнгилдагидек ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Ётоқхоналар, ошхона, турли кўнгилчор тадбирлар ўтиши мўлжалланган амфитеатр қайта таъмирланиб, янада шинам тус олди.

Оромгоҳда биринчи мавсум кўнгилдагидек яқунланди. Болалар ун тўрт кун давомида бир-бирлари билан дўстлашиб, марокли ҳордиқ чиқаришди. Яқинда иккинчи мавсум бошланиб, бу ер яна ўғил-қизларнинг шўхшодон қийқириқларига тўлди.

Дам олувчилар ўртасида «Балли, қизлар!», «Ўзбегим ўғлонлари», «Миллий рақслар», «Аждодларимиз мероси муқаддас» каби тадбирлар ҳамда ҳар хил спорт мусобақалари ўтказиб борилаяпти.

— Болаларда қизиқиш уйғотишда тарбиячи-етақчиларнинг ўрни катта. Барча тадбирларга бош-қош бўлаётган бош тарбиячи, Шаҳрисабз тумани ўқувчилар ижодиёти маркази директори ўринбосари Маҳбуба Ўзбекованинг хизматидан мамнунимиз, — дейди оромгоҳ директори Исмоил Очилов.

Оромгоҳ кутубхонасида 365 та китоб мавжуд. Болалар бу ерда бадиий асарлар мутолаа қилиш имкониятига эга. Спорт тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди. Ҳордиқ чиқараётганларнинг соғлиги доимий назоратда. Вилоят ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокори Маърифат Раҳимова ҳамда ҳамшира Муҳаббат Расулова болажонларни назорат қилиб боришаяпти.

Оромгоҳ худудидида тинчлик, хотиржамликни таъминлашда осойишталик посбонларининг хизмати беқиёс. Капитан Азамат Хўжамов, лейтенант Алишер Ражабов кечаю кундуз хушёр хизмат олиб боришаяпти.

Соҳибжамол АМИНОВА.

Қашқадарё вилояти.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОННИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА

Мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш мақсадида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналиши сифатида жиний жазоларнинг либераллаштирилиши катта аҳамиятга эгадир.

Хусусан, ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мувофиқ келади. Чунинчи, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир", деб, 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддаси 1-бандида эса: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан махрум қила олмайди", деб белгиланган.

Мазкур қоидалар мамлакатимиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Асосий қонунимизнинг 24-моддасида эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида жиний жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқарилишига қўйидаги омиллар асос бўлди:

Биринчидан, судлар томонидан жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда хато бўлмаслигига ҳеч ким тўлиқ қафолат бера олмайди. Ваҳоланки, бирон-бир хато тўғрисида таъинланган ўлим жазоси ижро этилиб, кейинчалик ушбу хато аниқланса, суд томонидан йўл қўйилган ушбу хатони ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. Жаҳон тажрибасидан бизга маълумки, амалиётда бундай хатоларга йўл қўйилган. Жумладан, АҚШда 1973 йилдан ҳозирги кунга қадар 124 та, 2006 йилда Танзания ва Ямайкада биттадан ана шундай хатоликларга йўл қўйилган.

Иккинчидан, мазкур жазонинг бекор қилиниши давлатда инсон ҳуқуқларининг

қанчалик даражада муҳофизат қилинишини ҳамда юртимизда шакллантирилаётган фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқлари устуворлигини англатувчи муҳим белгилардан бири бўлиб хизмат қилади. Зеро, давлатимизда қарор топаётган чинакам демократик, инсонпарвар жамиятда, шунингдек, демократия ва инсонпарварлик тамойиллари тантанасига интилаётган, инсон ҳаёти олий неъмат ва унинг ажрал-

қаро ҳуқуқ нормаларига, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларига мазмунан мослигини ҳам таъминлади.

Шу боис, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида 2005 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича Дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ушбу Қарорда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

ҳисобланиши тўғрисидаги конституциявий нормаларга мос бўлиб, унда инсоннинг яшаш ҳуқуқи, ҳатто у жиноят содир этган тақдирда ҳам дахлсиз эканлиги қафолатланади.

Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида, "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 15 июнда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2007 йил 11 июлда Президентимиз томонидан

бойжонда 16 та, Қозоғистонда 17 та, Францияда 18 та, Кореяда 19 та, Молдовада 24 та ва Хитойда 66 турдаги ўта оғир жиноятлар учун умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланади.

Ҳатто ҳозирги кунда ҳам ўлим жазоси бир қатор давлатларда, хусусан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Ливан, Яман, Иорданияда аёлларга нисбатан, баъзи мамлакатларда, чунинчи, Хитой, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Яман, Нигерияда эса вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиб келинмоқда.

Бугунга келиб дунёда ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар сони бу жазо қўлланилаётган мамлакат-

суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди. Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадриятини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди. Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

Ўз навбатида яна бир ташкилот – Халқаро Амнистия ҳам Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилинганлигини олқийлаб, бунинг ушбу шафқатсиз ва гайриинсоний жазони қўллашни бутун дунёда тақиқлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганлигини қайд этди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш кун тартибидеги долзарб масалалардан ҳисобланади. Президентимизнинг «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учундир» деган фикрлари нечоғли ҳақиқат эканлиги ўз исботини топмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши олий қадрият сифатида инсонни, унинг яшашга бўлган узвий ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш билан бирга, юртимизда ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг энг муҳим ютуқларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Эркин ХАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

мас ҳуқуқи сифатида қуриқланаётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли деб бўлмайди.

Учинчидан, ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноят қонунчилигида келиб чиқаётган муайян зиддиятларни ҳам бартараф қилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра, жиноят содир қилган шахсни жиний жазога тортишдан мақсад "маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиний фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш" бўладиган бўлса, ўз ўзидан ўлим жазосига тортилган шахсни ахлоқан тузатишнинг иложи қолмайди. Ўлим жазосини қўллаш орқали бошқа фуқароларга руҳий, маънавий, ахлоқий зарар етказиш ҳам мумкин.

Тўртинчидан, ўлим жазосининг жиноят қонунчилигида сақланиб қолиниши келгусида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаслиги аллақачон ўз исботини топиб улгурган. Умуман олганда, шахс жиноят содир этаётганда ўз қилмишига қонун бўйича қай даражада оғир жазо берилишини ҳисобга олмайди. Ҳатто, ўлим жазоси қўлланилиши мумкинлиги ҳам уни жиноят содир этишдан қайтара олмайди.

Бешинчидан, ўлим жазосининг бекор қилинганлиги миллий қонунчиликни хал-

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш концепцияда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва бу тизимни янада такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолат, фуқаролик жамияти мезонларига мос равишда эркинлаштириш каби вазифалар қўйилди. Концепциянинг 2-банди "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш" деб номланди. Мазкур бандда жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариш ва уни узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси билан алмаштириш масаласи назарда тутилди.

Концепциядаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Мазкур Фармон инсон, унинг ҳаёти олий қадрият эканлиги, яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноят

имзоланди. Унга кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб Жиноят кодексидеги жазо турларидан ҳисобланган ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалдаги жиноят қонунидан умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг учинчи қисми) учун белгиланган. Шу билан бирга, мазкур турдаги жазо чораси аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга, олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Бундан фарқли ўлароқ, хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи давлатларда умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси юқорида кўрсатилган ўта оғир жиноятлардан ташқари, агрессия, геноцид, давлатнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, жусуслик, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, номузга тегиш, мулкни нобуд қилиш, босқинчилик ва бошқа жиноятларни содир қилганлик учун ҳам тайинланади. Масалан, Россияда 6 турдаги, Германияда 7 та, Японияда 9 та, Данияда 10 та, Бельгияда 11 та, Швецияда 13 та, Беларусь Республикасида 14 та, Озар-

лар сонидан ортиб кетган. Жаҳоннинг 110 га яқин давлатида ўлим жазосидан воз кечилган, 87 мамлакатда ушбу жазо чораси сақлаб қолинган бўлса-да, қўлланилиши назарда тутилган жиноятлар сони камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қуришнинг ўзбек модели ва унинг ажралмас қисми бўлмиш суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантқиқий давоми бўлганлигини кўриш мумкин. Ушбу масаланинг халқимиз дунёқарашининг ўзгариши, тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, зарур шарт-шароитларнинг пишиб етилишига монанд тарзда босқичма-босқич ҳал этилганлигини, шунингдек, мазкур ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамиятнинг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлаётганлигини қайд этиш лозим.

Чунинчи, Европа Иттифоқи баёнотида шундай дейилади: "Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганлиги қизгин маъқуллади. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

ИЗЗАТИНИ БИЛГАН МЕҲМОН АЗИЗ

сафарлари узоққа чўзиладиган бўлса, амалдаги қоидаларга мувофиқ белгиланган муддат ичида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим. Афсуски, улар ҳар доим ҳам ушбу талабларга риоя этавермайдилар. Яқинда Навоий шаҳри ҳудудида ўтказилган «Меҳмон» тезкор-профилактик тадбири чоғида аниқланган ҳолатлар ҳам юқоридаги фикримизни исботлаб турибди.

Тадбир давомида умумий овқатланиш масканлари, новвойхоналар, ишлаб чиқариш цехлари, қурилиш бригадалари, бозорларда, корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилди. Текширишлар чоғида 243 нафар шахс Навоий

шаҳри ҳудудида рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланиб юрганлиги аниқланди. Улар орасида Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятларидан келганлар бор эди. Қоидабузарлардан 152 нафарига нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, жами 5187400 сўм миқдоридеда жарима солинди.

Шу ўринда мазкур фуқаролар ишлаган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг айби йўқми, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, бор. Шунинг учун паспорт-виза тизими қоидаларига риоя қилмаган 39 нафар мансабдор шахс

жами 4836900 сўм миқдоридеда жаримага тортилди. Навоий шаҳрига бирор-бир мақсадсиз келган 46 нафар фуқаро вилоят ҳудудидан чиқариб юборилди, шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва тайинли яшаш жойи бўлмаган 6 нафар шахс эса Бухоро вилояти ИИБ реабилитация марказига жойлаштирилди.

Тунги пайт Наманган шаҳри 2-Ахсикент даҳасида яшовчи Ж. Қирғизовнинг «Дамас» русумли автомашинасига чиққан икки йўловчи босқинчилик йўли билан уни эгаллаб, қочиб кетди. Ушбу ҳолат бўйича «Тўсиб ушлаш» махсус тадбири ўтказилиб, тезкор ҳаракатлар натижасида машина топилди. Унинг ичидан автомагнитола ва бир жуфт

колонкани ўғирлаб кетган гундорлар ашёвий далил билан қўлга олинди.

Уйчи тумани «Машад» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи З. Жўраевнинг «Нексия»сига чиққан икки шахс Чорсу даҳасига келгач, ҳайдовчига ҳужум уюштирди. Улар ҳайдовчини дўппослаб, машинадан тушириб юбордилар. «Нексия»ни энди юрғизган босқинчилар шу ҳудудда хизмат ўтаётган ППХ батальони ходимлари, сержантлар Д. Деҳқонов ва Ш. Жўрабоев томонидан ушланди. Жиноят устида қўлга тушган шахслар муқаддам судланган А. Б. ва Н. К. экан.

Ходимларимиз ўзлари га бириктирилган йўналишларда хизмат ўташ давомида паспорт тартиботи қоидаларига риоя этилиши, маъмурий назорат ва профилактик ҳисобда турган шахслар, ов қуролига эга фуқароларни ҳам текширувдан ўтказиб, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олмақда.

Юрт тинчлигини сақлаш, фуқароларнинг осойишта турмушини таъ-

минлаш масъулиятли вазифа. Буни мукамал адо этиш учун ҳар бир ходим маҳоратли, чуқур билимга, жанговар ва жисмоний тайёргарликка эга, хизмат бурчига садоқатли, маънавий етук бўлиши талаб этилади. Шунинг учун шахсий таркиб уртасида, амалий ва маънавий-маърифий машғулотлар ўтказилишига катта эътибор берилаяпти. Улар спорт турлари билан шуғулланиши ва бўш пайтда маданий дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Шахсий таркиб эришган ижобий натижаларнинг муҳим омилларидан бири шундаки, хизматда алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлар мунтазам рағбатлантириб борилаяпти. Ўтган йили Президентимизнинг Фармонида биноан батальоннинг махсус отряди командири, капитан Ю. Ҳамдамов «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Шу отряд ходими С. Мўминов вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. 178 нафар ходим вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.

Бундан руҳланган шахсий таркиб топширилган вазибаларни сидқидилдан бажариш, фуқароларнинг осойишта ҳаётига бўладиган ҳар қандай таҳдидга қарши ҳушёр туриш билан жавоб беришмоқда.

Мамасоли РАҲМОНОВ,
майор.

Наманган вилояти.

ЙЎЛ, ҲАЙДОВЧИ ВА ПИЁДА

ЙЎЛДАГИ БОЛАЛАР

Ёз мавсуми бошланиши билан болалар уртасида йўл-транспорт ҳодисалари кўпроқ қайд этилаяпти. Бунинг сабаби, таътилга чиққан фарзандларимиз эътиборсиз қолаётганидир. Шунинг учун ҳам вилоят ИИБ ходимлари томонидан нафақат дам олиш масканлари, балки маҳалларда ҳам тартибот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай, жойларда баъзи кўнгилсизликлар содир этиляпти. Масалан, Андижон шаҳри М. Саидов кўчасида ҳаракатланиб бораётган «Дамас» русумли автомашина 9 ёшли А. Холмирзаевни уриб юборди. Натижада бола тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Ҳайдовчи У. Чўтбоев эса 8-синф ўқувчиси У. Тўхтасиновни ўз бошқарувидаги «Матиз» автомашинасида туртиб кетди. Ҳодиса атрофлича ўрганилганда ҳайдовчи ҳали йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштиришга улгурмай туриб, машина бошқаргани маълум бўлди. Аксига олиб велосипед ҳайдаб бораётган

Улғубек ҳам йўл қоидалари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас экан.

Андижон шаҳар ИИБ ЙҲХБ маълумотида кўра, биргина Андижон шаҳрининг ўзида жорий йилнинг шу давригача 77 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Шулардан 14 таси вояга етмаганлар иштирокида содир бўлган. Тан олиш керакки, болажонларимиз ҳаракатланиш қоидалари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас. Бунинг натижасида юқоридаги каби кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда. Шундай экан ёзги оромгоҳларда ҳаракат хавфсизлигига оид машғулотларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ўйин, мусобақа услубида олиб бориладиган сабоқлар болалар хотирасида яхши сақланиб қолишини инобатга олиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга нисбатан эътиборсиз бўлмаслигимиз керак.

Борис КЛЕЙМАН,
Саминжон ХУСАНЗОДА.

Андижон вилояти.

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

БЕМҲАР ҲАМ ҚИШЛОҚ

Асака тумани ИИБга фуқаро Хуршид Хўжаев мурожаат этиб, Кужган қишлоғида яшовчи Исроил Мамажоновдан шикоят қилди. Унинг маълум қилишича, Исроил Хуршидни ўтган йили Россия Федерациясининг Хабаровск шаҳрига олиб кетган. Бу ерда қурилиш ишларига жалб этиб, унга ўзи бош-қош бўлиб юрган.

Хуршид ўзга юртда етти ой меҳнат қилди. Бу давр айни куз ва қиш мавсумига тўғри келганлиги боис, ишлаш осон кечгани йўқ. Тирикчилик, пул топиш илжини уни сабр қилишга мажбур этди. Бироқ уч ойлик иш ҳақини олиб, қолганини И. Мамажонов ўзлаштириб юборганидан кейингина вазиятни англаб етди. Жами 72 минг рублга тенг қийматдаги пулини ундириб беришни сўраб келган Хуршиднинг муаммоси ҳал бўлмай туриб яна бир фуқаро –

Асака шаҳрининг Тошлоқ кўчасида яшовчи Умид Султонов ҳам айнан шундай ариза билан мурожаат қилди. Маълум бўлишича, Умид Асака туманилик Сайфулло Ҳасанов томонидан Оренбург шаҳрида ишлаш учун жалб этилган. У саккиз ой мобайнида қурилиш ишлари билан машғул бўлган. Афсуски, сўнгги уч ойлик иш ҳақини ололмади, овоза бўлгани қолган. Ўзга юртда ҳамқишлоғидан меҳр кўрмаган йигит ички ишлар бўлимидан нажот

сўраб келибди. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ҳайратланарлиси, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ҳар қанча бонг урилмасин, баъзи юртдошларимиз бу ҳақдаги маълумотларга эга бўлган ҳолда, алдовларга ишониб қолишяпти. Улар мусофир юртда сарсон бўлиб, пулсиз, ҳатто ҳужжатсиз қолиб кетишяптгани ачинарли ҳолдир.

Маълумки, одамларга нисбатан юқоридаги каби муносабатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ана шундай ноҳўя ишга қўл ураётганлар буни асло унутмасликлари лозим.

Саминжон ХУСАНЗОДА.
Андижон вилояти.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ЙЎЛ ТЎСАРЛАРНИНГ
ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Буюк бобокалонимиз Ҳаким ат-Термизийнинг номи дунёга машҳур. Қомусий илм соҳиби ва каромати авлиё ўтганига ўн асрдан ошибдики, у кишининг номи барҳаёт. Ҳар куни уни зиёрат қилиб келаётган одамларнинг кети узилмайди.

Зиёратгоҳдаги одамларни кузатган Б. Илҳомнинг хаёлидан шум режа ўтди. Тунда талончилик қилса бўлмасмикан, ахир ҳеч ким бу ерга пулсиз ташриф буюрмайди-ку. Ҳаммада уяли телефон бор. Айримлар тунда велосипедда келади.

Илҳом зиёратгоҳга яқин худудда истиқомат қилувчи Х. Муҳриддин, Ж. Жаҳонгир, У. Шерзод, Ч. Ҳасан, Х. Бекзод, А. Зоҳид, Т. Фанишер, Х. Ҳасан, А. Ҳамидни ўзига шерик бўлишга кўндирди. Қизиғи, эндигина катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйган бу йигитлардан ҳеч бири қилаётган ишининг оқибатини ўйлаб кўрмади. Баъзилари Илҳомдан кўрққани учун лом-мим демади. Чунки Илҳом деганлари аллақачон суднинг қора курсисига ўтирган, ҳатто қотилликда айбланган, аммо қилмиши-

дан хулоса чиқармаганди. Акс ҳолда жиноий гуруҳ тузиб, йўлтўсарлик қилмаган, бошқаларни ҳам бунга жалб этмаган бўларди.

Илҳом Термиз шаҳридан зиёратгоҳга олиб борувчи йўлдаги кўприкни бежиз танламаган эди. Чунки одамлар фақат шу жойдан келиши аниқ. Ўша куни тунги соат бирлар бўлди ҳамки ҳеч ким кўринмади. Бироз вақт ўтгач учта велосипед минганлар кўринди. Жиноий гуруҳ уларнинг йўлини тўсиб, муштарини ишга солишди. Қутилмаган зарбалардан эсанкираб қолган йигитчалар безорилар қўлига тушишганини англашди. Улардан бири велосипедда қочиб қолди. Вояга етмаган С. Сўҳроб ва П. Баҳромни эса тўда аъзолари роса дўппослашди. Йигитчаларга велосипед, уяли телефон, пулларидан

ажрагани, кийим-бошсиз қолишгани алам қиларди.

Орадан бироз вақт ўтиб зиёратгоҳга пиёда келаётган И. Шухрат, М. Муҳаммади ва Ф. Улуғбек ҳам йўлтўсарлардан жабр кўришди. Кимдир тан жароҳати олиб, кимдир уст-бошсиз, пиёда зиёратдан қайтишга мажбур бўлди. Жабрланганларнинг кўпи талабалар, вояга етмаганлар эди.

Бундан хабар топган вилоят ИИБ раҳбарияти тезкор тадбир белгилади. Кўп вақт ўтмай бошқарма ЖҚ ва ТҚБ тезкор ходимлари ва Термиз тумани ИИБ соҳавий хизматлари вакиллари жиноий гуруҳни қўлга олди. Талончилар олиб қўйган велосипедлар, уяли телефонлар, кийим-кечаклар эгаларига қайтарилди. Навқирон ёшида илҳунар ўрганиш, катта бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшиш ўрнига келажагини барбод қилган бу ёшлар суднинг қора курсисига ўтирди.

Алишер ТҮЙЧИЕВ,
майор.
Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,
«Постда» муҳбири.

Сурхондарё вилояти.

ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ

Гиёҳвандлик, унинг ортидаги фожиалар, кулфатлар, тубанликлар хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, наркотик моддалар билан савдо қилиб, не-не ёшларнинг умрига зомин бўлаётган разил одамларнинг жирканч кирдикорларидан нафратланамиз. Мўмай даромад илинжида ҳар қандай қинғирликдан қайтмайдиган бундай шахсларнинг кўзига эса фақат бойлик кўринади, холос. Афсуски, бундай шахслар ҳамон учраб турибди.

Гиёҳвандлик ўсимликларни етиштираётган, унинг савдоси билан шуғулланиб розолат уруғини сочаётган кимсаларнинг қора қилмишларини фош этиб, жиноий жазога тортилишини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хизмати беқиёсдир. Негаки, улар фош этаётган ҳар бир жиноят иши ортида қанчалар инсонларнинг тақдири турибди. Жиноятчилардан олинган гиёҳвандлик моддалари агар манзилга етиб борганда яна қанчалаб инсонларни хонавайрон қилиши, ҳалокатга етаклаши мумкин эди.

Ушбу иллатга қарши кураш борасида Тошкент шаҳар ИИББда ҳам талайгина ишлар амалга оширилаётган. Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашувчи ходимларнинг натижасида кўплаб тубан савдоларнинг олди олинди, оғу манзилга етиб боришига йўл қўйилмаяпти, етиштирилаётган гиёҳвандлик ўсимликлари йўқ қилинмапти.

– Жаҳон аҳлини жиддий ўйга толдираётган наркотик моддалар савдосига қарши кураш кескин тусга кирди. Негаки, оғир оқибатларга олиб келувчи оғу туфайли йилига қанчалаб инсонларнинг умри ҳазон бўлаётгани ҳам сир эмас, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚБ бўлим бошлиғи, майор Шавкат Икрамов.

– «Қорадори – 2009» тадбирининг биринчи босқичи давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ жами 303 та жиноят фош этилди. Шундан 113 таси

гиёҳвандлик моддалари савдоси, 20 таси таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш, 12 таси бангхоналар ташкил этиш каби ҳолатлардир. Нафс қулига айланиб, қабиҳ

НАФС
БАНДАЛАРИ

ишга қўл уришдан ўзини тия олмаган шахсларга муносиб жазо берилди.

Тадбир давомида жиноятчилардан жами 91 кг. 547 гр. турли хилдаги наркотик моддалар олинди. Бу эса жамиятга, инсонларга етказилажак зарар бартараф этилди, демакдир. Гиёҳвандликка мубтало бўлган ота-онадан туғилажак ногирон, бахтсиз болакайлар, бор-будини сотиб, пулига оғу олиб, сўнгра ота-онасини ҳам қон қақшатиб, нобуд бўлаётган навқирон йигитларни кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Ана шундай фожиаларнинг олдини олиш эса савоб ишдир. Шу йилнинг 10 июнь куни Мирзо Улуғбек тумани худудида ўтказилаётган тезкор тадбир чоғида асли тожикистонлик бўлган Я. Цой ходимларда шубҳа уйғотди. Аввал ҳам шундай нопок ишлари учун судланган бу шахс холислар иштирокида текшириб кўрилганда, унинг ёнидан 82,82 гр. героин моддаси топилди. Бектемир тумани худудида ўтказилаётган профилактик тадбир чоғида эса «Бектемир» ИПХ масканида Н. Комилов бошқарувидаги «BMW» русумли

машина тўхтатиб текширилди. Унда йуловчи сифатида кетаётган, 60 ёшли қоралаб қўйган К. Зоировнинг ранги докадай оқариб, саросимага тушиб қолди. Бу ҳолат зийрак ходимлар назаридан четда қолмади, албатта. Унинг ёнидан 1 кг. 411 гр марихуана моддаси топиб олинди. Кимларнидир заҳарлаш эвазига мўмай даромад эртиришни режа қилган «бизнесмен» энди қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Айниқса, Ҳамза туманида олиб борилаётган тезкор-профилактик тадбир чоғида ходимлар эътиборини тортган С. Норовнинг сумкасида чикқан марихуана нақ 9 кг 673 гр тош босганига нима дейсиз?!

18 май куни Сирғали туманида ўтказилган текширишлар вақтида А. Кимнинг саросима-

га тушиши ҳам бежиз эмаслиги аниқланди. Асли самарқандлик бўлган бу шахс 1 кг. 41 гр заҳри қотилни пуллаш учун кўчага чиққан чоғида қўлга олинди.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани худудида ўтказилаётган тадбир пайтида 60 ёшли қарши-лаётган аёлнинг ҳовлисида барқ уриб ўсаётган 22 туп кўкнори ўсимлиги аниқланди. Фараз ниятларда уни парвариш қилаётган уй бекаси ҳуқуқ-тартибот посбонлари олдида мум тишлаб қолди. Шайхонтоҳур тумани Меранкент кўчасида яшовчи шахс эса ўз ҳовлисида 76 туп наша ўсимлигини ўстираётгани аниқланди.

Албатта, бойлик, пул топиш васвасаси кўзини кўр қилиб қўйган бундай кимсалар қилмишига яраша жазосини олиши муқаррар. Зеро, жамиятга, инсониятга кулфат келтирувчи бундай оғуларни етиштириш ҳам, сотиш ҳам оғир жиноятдир. Залолат ботқоғига ботган бундай шахсларга эса ҳар қандай жазо камдек гўё.

Умида БОЗОРОВА.

Тошкент шаҳри.

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

КУЛФБУЗАРЛАР

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги хонадонлардан бирида ўғирлик содир бўлди. Э. Наиллага тегишли уй эшиги қулфини бузган номаълум шахслар бу ердан музлаткич, телевизор, «DVD» плеери, дэзмон, 3 та пўстин ва 3 та гилами ўмариб кетишди.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни яшаш ва ишлаш жойининг тайини бўлмаган, муқаддам судланган Т. Андрей содир этгани аниқланиб, ушланди. Энди унинг ҳамтовоқларини қўлга олиш чоралари кўриломоқда.

АВТОМАШИНА ИШКИБОЗЛАРИ

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида номаълум шахс А. Аброрга «Opel – Omega»

русумли автомашинасини сотиб олмоқчи эканлигини айтди. Бунга ишонган А. Аброр машинани таъмирлаш устахонасига кўриқдан ўтказиш учун олиб келганида унинг чалғиганидан фойдаланган кимса уловни ҳайдаб қочди.

Суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни Чирчиқ шаҳрида яшовчи С. Шерзод ва Қарши шаҳрилик Б. Мансур содир этгани аниқланди. Автомашинани эгасига соз ҳолда қайтарилди.

УЧ ОФАЙНИ... ҲАМТОВОҚЛАР

Наманган туманида номаълум шахслар юзларига ниқоб кийган ҳолда А. Зокирнинг уйига кириб, унинг ўғиллари Абдулаҳад ва Абдулазизнинг оёқ-қўлини боғлашди. Бос-

қинчилар ака-укани кўрқитиб, 2 дона «Нокия» русумли уяли телефонни олиб, воқеа жойидан қочиб кетишди.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Ушбу жиноятни Наманган шаҳрида яшовчи Ш. Одил, З. Комилов ва С. Дониёр содир этгани аниқланиб, ушландилар. Энди телефон шайдолари терговда қилмишларига «изоҳ» беришади.

ЎФИТ ЎФРИЛАРИ

«Навоийазот» ОАЖнинг темир йўл цехи ишчиси Х. Фолиб ва шу цех машинист ёрдамчиси Я. Улуғбекнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари уларнинг бошини ҳам қилди. Гап шундаки, икковлон «Химик» станциясида турган, «Навоийазот» ОАЖга қарашли

вагондан 5 тонна 566 кг. минерал ўғитни ўмариб кетишди. Умумий нархи 1148822 сўмлик бу ўғитлар далилий ашё сифатида олинди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида яшовчи Б. Эштемирга тегишли «BA3 – 2103» русумли автомашина ўғирлаб кетилган эди.

Мазкур жиноятни содир этган шахс аниқланиб ушланди. Машина илгари судланган А. Сергейнинг уйи ҳовлисида техник соз ҳолда топилиб, эгасига қайтарилди.

Н. АСЛОНОВ.

АМАЛИЙ СПОРТ

Қашқадарё вилояти «Динамо» ўйингоҳида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича илк бор «Ёнғин хавфсизлиги» – «Пожарная безопасность» журнали кўча кубоги учун «Довюрраклар» деб номланган мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари қатнашди.

ЁНҒИН ЎЧИРУВЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Жамоалар дастлабки кун 100 метрга ёнғин ўчирувчилар эстафетаси бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Унда Тошкент шаҳри жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Ишғол қилиш нарвони билан ўқув минорасининг тўртинчи қаватида кўтарилганда Тошкент шаҳри, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича Қашқадарё вилояти жамоаси энг юқори кўрсаткичга эришди. Кейинги йилларда ўтказилаётган мусобақаларда иштирок

этиб, тенгсиз эканлигини исботлаётган Қашқадарё жамоаси аъзоси, сафдор Раҳимжон Рузиев бу гал ҳам рақиб жамоа аъзоларига имконият бермади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Қашқадарё ва Тошкент вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Ғолибларга кўча кубок, диплом, Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Содик РАҲИМОВ.
Қашқадарё вилояти.

ХАБАРЛАР

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Жорий йилнинг 9–15 август кунлари Россияда сув полоси бўйича 1991 йилда туғилган қизлар ўртасида жаҳон биринчилиги ташкил этилади. Ўзбекистонлик спортчилар «С» гуруҳида Янги Зеландия, Венгрия ва Жанубий Африка Республикаси вакиллари билан рақобатлашади. Мусобақа қондасига биноан гуруҳ ғолиблари тўғридан-тўғри чорак финалга, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар нимчорак финалга йўлланма олади.

ҲАМЮРТИМИЗ КУЧЛИ УЧЛИҚДА

Қирғизистонда профессионал кикбоксинг усталари иштирокида ташкил этилган халқаро мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Осиё чемпиони Аҳмад Олимбеков молдовалик Иван Гайванни мағлубиятга учратиб, кучли учликдан жой олди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

ЎЗБЕК ПОЛВОНЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси – ФИЛА «Олтин Гран-при» сининг финал босқичида дунёнинг энг сара полвонлари ғолиблик учун беллашди.

Нуфузли мусобақада иккита олтин, биттадан кумуш ва бронза, жами тўртта медални қўлга киритган эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

74 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Пекин Олимпиадаси финалчиси ва жаҳон чемпионати совриндори Сослан Тигиев терма жамоамиз ҳисобига биринчи олтин медални келтирди.

Оғирлиги 96 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган Осиё чемпиони Қурбон Қурбонов жамоадошининг ғалабали одимларини давом эттирди. Жорий йилнинг апрель ойида Тош-

кентда ўтказилган ФИЛА «Олтин Гран-при» си туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнирида ғалаба қозонган спортчи бу гал ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этди.

Жаҳон чемпионати совриндори Заурбек Сохиев иккинчи ўриндан жой олган бўлса, икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров бронза медал билан тақдирланди.

Ўзбекистонлик юнон-рум кураши усталари эса Озарбойжондан бир жуфт медал билан қайтадиган бўлди. Полвонларимиздан Жаҳонгир Мўминов кумуш, Элдор Ҳафизов эса бронза медал билан кифояланди.

ЎЗА.

ШАҒРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ катта тезкор вакили, подполковник **Хотам ЖАЛОЛОВ**ни қўтлуғ ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Қадрдон ҳамкасбимиз ва меҳрибон устозимизга узок умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, шарафли ҳамда машаққатли хизматида омадлар тилаймиз. Хонадонидан файзу баърака, чехрасидан табассум аримасин.

Эҳтиром ила ҳамкасблари ва шогирдлари.

Тошкент вилояти Паркент тумани ИИБ бўлинма бошлиғи, майор **Ортиқ АСИЛОВ**ни туғилган кун билан самимий қўтлаймиз. Қадрдон дўстимизга узок ва мазмунли умр, фаолиятида улкан зафарлар, оилавий хотиржамлик, бахт ва омад тилаймиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

ФАХРИМИЗСАН, ДАМИР!

Тенгдошларининг каратэ машғулотларига қатнашайётганини эшитган Дамирнинг ҳаловати йўқолди. Нега аввалроқ билмади экан? Ўша кун кечки овқатдан сўнг оила аъзолари телевизор кўриб ўтиришганда, спорт хабарларида каратэ мусобақасидан кўрсатув берилди. Дамир кўнгилдаги гапни айтади:

— Мен ҳам каратэчи бўлман, — дейди.

Ота-онаси аввалига буни шунчаки болалик ҳаваси бўлса керак, деб уйлашади. Аммо ота табиатан бир сўзли ўғлининг мақсади жиддий эканлигини билгач, тўгаракка боришига рози бўлади.

Дамир тўгаракнинг энг фаол ўсмирларидан эди. Афсуски, устози бир йил ўтар-ўтмас ишдан бўшаб кетгач, кўп болалар спортдан узоқлашади. Аммо Дамир мақсад сари олға боради.

Отаси унинг спортга бўлган иштиёқи сўнмаслигини истарди. Шунинг учун ҳам спорт мактабига олиб боради. Бу ерда тажрибали спорт усталари Комилжон Гулмирзаев, Равшан Фуломов болаларга самбо кураши бўйича машғулот ўтишарди. Аввалига яна каратэ билан шуғулланмоқчи бўлган Дамир спортнинг самбо тури ҳам ундан қолишмаслигини кўриб, бир-икки бор гиламга чиқади. Ўзини синаб кўрган-дан кейин самбо билан шуғулланишга астойдил киришиб кетади.

Ёш спортчи мактабнинг саккизинчи синфини битиргач, машғулотларига бориб юрган — Самарқанд туманидаги олимпия захиралари коллежига ўқишга қабул қилинади. Дамир Муҳидов бу даргоҳда ҳам билим олди, ҳам моҳир спортчи бўлиб етишди. У вилоят, республика мусобақаларида совринли ўринларни

эгаллаб, кўпчилилик назарига тушди, республиканинг самбо бўйича терма жамоасига қабул қилинди.

Дамирда ички ишлар идоралари хизматида ишлаш иштиёқи туғилади. У айниқса, жиноятчиларни ушлаш, уларнинг қилмишини фош этишга жуда қизиқарди. Бу орзуси уни республика ИИБ Академияси сари етакледи. Синовлардан муваффақиятли ўтган қаҳрамонимиз тингловчиликка қабул қилинади. У ўқиш билан бирга, кўплаб иқтидорли спортчиларнинг устози, республика Самбо федерацияси президенти Фахриддин Пулатов раҳбарлигида самбо билан шуғуллана бошлади. Шунингдек, унга бу ерда жаҳон ва Осиё чемпиони Ақобир Қурбонов ҳам устозлик қилди.

Дамир Муҳидовнинг спортда эришган ютуқлари салмоғини унинг кўксини безаб турган медаллар шодасидан ҳам билса бўлади. У 2004 йилда Тошкентда ёшлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медал билан тақдирланди. 2006 йилда Минск шаҳрида Белорусь Президенти кубоги учун ўтказилган мусобақада ҳам моҳир спортчи эканлигини яна бир карра исботлаб, шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

— Спорт доимий машқ қилиб туришни талаб этади, — дейди Дамир Муҳидов. — Раҳбарият зарур шарт-шароит



ва имкониятларни яратиб бераётганидан миннатдорман. Бунга жавоб тариқасида рақибларимни мағлуб этишга жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан. Ҳар бир мусобақадан ёруғ юз билан жамоага қайтганимда, уларнинг ишончини қозона олганим учун хурсанд бўламан.

Шу йил «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ўтказилган самбо бўйича Осиё чемпионатида Дамир Муҳидов ҳам иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У барча рақибларни енгиб, олтин медаллари сонини яна биттага кўпайтирди ва Юнонистонда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу ўринда айтиш керакки, катта лейтенант Дамир Муҳидов Транспортдаги ИИБ Навоий темир йўл бекаги тармоқ ИИБ тезкор вакили. Болаликдаги орзуси рўёбга чиқиб, жиноятчиларни қўлга олишда фаол иштирок этади. Қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи Моҳинур Юнусова ҳам моҳир самбочилардан. У Москва шаҳрида ёшлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг баланд поғонасини банд этган.

Ҳа, биз юртимизнинг асл ўғлонига «Сен билан фахрланамиз, Дамир!», деб бемалол айтаемиз.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

АҚЛ ЧАРХИ


Газетамизнинг шу йил 11 июлдаги 28-сонидан берилган машқларга шахмат ишқибозларидан кўнғироқ ва факс орқали бир қанча жавоблар олдик. Бу гал фаол мухлисларимиз биринчилардан бўлиб кўнғироқ қилишди. Қуйидагилар: **Жиззах вилояти Дўстлик тумани ИИБ ходими, катта лейтенант А. Мисиров, Тошкент шаҳар ИИББ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси 4-АМБ 2-отряд ходими, кичик сержант Фарҳод Ҳамроев, 2-АМБ 5-отряд ходими, катта сержант Ориф Мамировлар** тўғри жавоб йўллашди.

Жавоблар қуйидагича:


- а) 1. Рух D7; Пиёда E5. 2. Фарзин F7+.
б) 1. Пиёда E3; ОтхС3. 2. Фарзин F2+.

Навбатдаги машқларда ҳам оқлар бошлаб, иккинчи юришда қораларни мот қилади:

а)



б)



Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-48-41, 231-40-92 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.

ХАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

Тонгда ошқўқларни узиб, кўтарасига сотиб келишни режалаштирган Матлуба ариқ ёнига яқинлашаркан юраги увишди. Негадир кейинги пайтларда мана шу ариқнинг номи яхшилик билан тилга олинмас, одамлар орасида “хосиятсиз” деган ном чиқарганди. Шуларни ўйлаб келаркан, Матлуба ариқ томонга қарамасликни дилига тугди. Агар ошқўқлари ўзи истаган нарҳда сотилса, рўзгорини анча бутлаб оларди-да. У шуларни режалаштираркан, кўприкнинг қоқ ярмига етганини сезмай қолди. Беихтиёр ариққа кўз ташлади. “Эпирай, мана бу нима?! Вой ўлмасам, одамнинг кўлига ўхшарканми?!” У аниқроқ кўриш учун энгашиб, ўша томонга тикилди. Бирдан кўнгли беҳузур бўлди. Кўзга ташланиб турган дўмбоққина нарса чинданам одамнинг шишиб, нотабийи оқариб кетган кўли эди.

Матлуба қандай қилиб ариқнинг у чеккасига ўтиб олгани, ички ишлар идорасига кўнгироқ қилганини эслай олмайди. Билгани — кўп ўтмай ички ишлар ходимлари келиб, унинг ишониб-ишон-қирамай кўрсатган жойида тўпланишиб, бир нималарга уннашгани. Унинг ёнига яқинлашган ходимдан “у ростдан ҳам одамнинг кўли эканми?” деган саволига “ҳа” деган тасдиқни олдию, ғалати бўлиб кетди.

Ички ишлар ходимлари олдида мушкул вазифа турарди. Ариқдан топилган қўл аёлники бўлиб, ёши тахминан йигирма-йигирма бешлар атрофида эканлиги ойдинлашди. Шундан бошқа бирорта маълумот йўқ эди. Сўраб-суриштиришлар беҳуда кетди.

Уч кунлик машаққатли изланишлардан сўнг худди шу аёлга тегишли бўлган бошсиз кўкрак қисми ҳам топилди. Бироқ танада ич-кийимдан булак ҳеч қандай белги — аломат йўқ эди. Қотил мурдани жуда усталлик билан булақларга бўлган, уларни қаёқларга ташлаганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди.

Қидирувда бўлган, бедарак йўқолган шу ёшдаги барча аёллар бўйича сўровномалар юборилди. Бироқ ҳеч қайси вилоятдан, эҳтимол мурда ҳақида маълумотларнинг ўта камлиги учунми жўяли жавоб олинмади. Ходимларнинг боши қотди. Шафқатсизларча амалга оширилган бу қотилликнинг боиси не экан? Қотилнинг режалари чи?! У руҳий касал ёки маньяк эмасмикан?! Уни қандай бўлмасин топиш керак!!!

Ўтаётган ҳар бир соат, кун, ҳафта қотилнинг фойдасига ишларди. Елиб-югуришлар, тинимсиз саёй-ҳаракатлар ҳар сафар муваффақиятсиз тугар, бу ходимларнинг шаштини пасайтириб, боши берк кучага етаклаётганди. Бедарак йўқолганларни қайта-қайта ўрганиш, маълумотларни солиштириш, биргина далил — ичкийим мурданинг шахсини аниқлашга камлик қиларди. Шундай кўнларнинг бирида фалон вилоятлик бир қиз опасини сўраб-суриш-

тириб, ички ишлар идорасига мурожаат қилгани ҳақида хабар олинди. Тезкор ходимлар дарров уни топиб, сўхбатлашишга аҳд қилишди. Бирон-бир умид илинжида унга ягона далил бўлган ичкийимни кўрсатишди.

қўйгин деб илтимос қилувди”, деганди. Аммо онанинг бундан кўнгли тўлмади. Уч кун олдин мени хабар олишга жўнатди. Келсам ижарадаги уйида ҳеч ким йўқ. Қўни-қўшнилари сўрасам, “билмаймиз” дейишди.

Қиз шундай деди-ю, гапине тугатар-тугатмас хўнграб йиғлаб юборди.

Ойсанам мактабни тугатиб, институтда ўқишни ният қилганди. Аммо ота-онаси ишни пишитиб, топармон-тутармон, яхшигина йигитга унаштириб қўйишганди. “Ўқиб шаҳар олиб берармидинг? Ана, эринг ўқитса, марҳамат!” дея ўқишига қаттиқ қаршилиқ қилишди. Ойсанам, ота-онасининг рози-ризалигини ҳам ол-

ҳис-туйғуларини ўйнаши катта маҳорат талаб қилишини англади. Ён-атрофидаги кўпни кўрган хотинларнинг гаплари, қилиқларини тез ўзлаштириб, улардан ҳам ўтиб кетди. Улар ёшгина қизнинг шунчалар устмонлиги — дам товусдай товганиши, дам мушуклек мулоийм бўлиб турганини кўриб, уни номуссизликда айблар, у эса бундай пайтда: “Мен номусимни пастрларга сотмайман. Мени малика қилдиганлар ҳали топилади” дея мақтаниб қўярди. Шундай кўнларнинг бирида башанг кийинган, хушсурат, маланиятли, овози ёқимли, сочига оқ оралаган, ўзига ярашиб, юзига янаям зиёдлиқ бағишлаган басавлат киши Ойсанам турган бир неча аёллар тўдасига яқинлашди.

— Дала ҳовлимда озгина иш бор эди. У ёқ, бу ёқни ювиб, артиш керак, — деди у чиройли овозда, чертиб-чертиб.

Ойсанам гўё оҳанрабо торпандек шартта овоз келган томонга ўтирилди. Бир муддат унга тикилиб қолди. Сўнг аёллар орасини ёриб, шахд билан:

— Мени ола кетинг, афсусланмайсиз! Кўнглингиздагидан зиёда қилиб бажараман айтган юмушларингизни, — деди самимий кулиб.

Ойсанамни билган аёллар “Ҳаҳ, лўли, олиб кетмаганига қўймайди. Бало бу қиз, бало!” дея унга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан боқишаркан, воқеанинг охири нима билан тугашига қизиқишди. Ҳалиги зиёли чеҳраси ёришиб, кулиб турган қизга шунчаки назар солди-да, бир ўзи қийналиб қолиши, яна икки аёл кераклигини айтди. Ойсанам ўз ҳамхоналарини тавсия этди. Зум ўтмай уч аёл утирган “БМВ” автомашинаси шаҳар ташқарисига елиб кетди.

Унинг дала ҳовлиси тоғли тумандаги сулим, баҳаво жойда жойлашган бўлиб, икки қаватли, зиналари мрамардан, ўртадаги ҳовуз, қўйинг-чи, ҳаммаси бойлик ва ҳашаматдан сўйларди. Дала ҳовлида уй эгаси ва ишлашга келган аёллардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ҳамхоналарининг ишга шўнғиганидан фойдаланган Ойсанам уй ичига мўралади. Афтидан бояги одам иккинчи қаватда эди. Қиз оёқ учиди юқорига кўтарилди. Хонанинг эшиги очиқ бўлиб, ичкарида уй соҳиби қандайдир қоғозларни титкиларди. У ўз ишига шу қадар шўнғигандики, тим қора кўзлар кузатиб турганини пайқамасди.

— Ассалому алайкум, домла бобо, — деди Ойсанам шўхчан. — Камина қоғозларингизни тушунмаса-да уларни тартибга солишда ёрдамим тегади.

(Давоми бор).

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

МЕХҲР ва ҚАҲҲР



Қиз уни кўлига оларкан, у ёқ, бу ёғини диққат билан кўриб, айлантира бошлади. Бирдан унинг ранги докадек оқариб, бўшашиб кетди. Агар ёнида ходим бўлмаганда йиқилиб тушиши тайин эди.

— Бу менинг опам, Ойсанам Деҳқонованинг ичкийими, — деди у базўр ўзини қўлга олар экан.

— Синглим, яхшилаб қаранг, тағин адашиб, оилангизга ташвиш келтириб қўймайлик, — эҳтиёткорлик билан сўради ходим.

— Мана, бу ерни кўряпсизми, чатилган. Уни яшил ипда чатиб бергандим, — деди у гам тўла кўзлари билан ходимга боқаркан овози титраб. — Мана уч ойки, опамдан дарак йўқ эди. Онам ҳар кун сўрайди. Бундан бир ойча илгари бир қиз “курсдошиман, ижарада бирга турамиз. Ойсанамдан хавотир олманглар. У тунги сменада ишлаяпти. Ўқиш, иш билан бўлиб, вақт топиб гаплаша олмаёпти. Шунинг учун менга кўнгироқ қилиб

май, қочиб кетди. Шу-шу гарчи ўқишга киролмаса-да, уйга қайтиб боришга журъати етишмади — отасининг ғазабидан кўрқди. Она эса она-да, барибир унинг дарагини топиб, эридан яширинча бўлса-да ҳолидан хабардор бўлиб турди.

Ўқишга киролмаган Ойсанам бошида қаттиқ қайғурди. Бу ота-онасининг норозилиги туфайли эканлигини ўйлаб, жуда сиқилди. Табиатан шаддод, шўх, пухта бўлгани учунми тезда унутди. Бу йил бўлмаса, келаси йил кирар, шунга ҳам ота гўри — қозихонами?

Бир неча дугоналари билан тирикчилик қилиш учун бозорга чиқа бошлади. Отанг бозор, онанг бозор, деганлари рост экан. Кўп ўтмай у ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари беҳад кўп эканлиги, ё остидан, ё устидан юриш учун уқув, фаҳм-фаросат, қувлик-шумлик кераклиги, кимнидир алдаш, кимнингдир

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ИИБ томонидан 2002 йилда туғилган Нилуфар Баҳадировна Балимова бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У Нукус шаҳри А. Досназаров кўчаси, 3-уй 22-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг май ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 1,15 -1,20 см, сочи қора, калта.

Кийимлари: оқ кофта, қизғиш юбка, қизил рангли ёзги шиппақда бўлган.

Н. Балимовани кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Нукус шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган **Собир Аминович Рустамов**



қидирилмоқда. У 1966 йилда туғилган, Самарқанд тумани «Кафтархона» қишлоқ фуқаролар йиғини, А. Темур кўчаси, 22-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.

С. Рустамовни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йилнинг 7 июлида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган Муқимий кўчасида «Нексия» русумли автомашина ҳайдовчиси томонидан Европа миллатига мансуб, ёши тахминан 50-60ларда бўлган аёл киши уриб юборилган. Жабрдийда касалхонага олиб кетилаётган вақтда ҳаётдан кўз юмган.

Белгилари: бўйи 170 см, сочи калта, жигарранг, кўзлари қора, қисикроқ.

Кийимлари: қизил, яшил, кўк, сарикранг шакли кофта, оқ чарм сандалда бўлган. Чап қўлининг ўрта бармоғида кўк ва оқ кўзли, оқ металлдан ишланган узуги бор.

Номаълум аёлни таниган, у ҳақда бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ ТБ ЙТХ тергов бўлимига мурожаат қилишларини сўраймиз.

<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Жиззах тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Абдурайим ТҮЙЧИЕВнинг бевақт этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ Ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғининг ўринбосари, майор И. Абдураимовга отаси ҲАМРО БОБОНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идораси фахрийси, истеъфодаги подполковник Даврон РАҲМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.</p>	<p>Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Қизилтепа тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори, капитан У. Ҳайитовга онаси Орзигул МУЗАФФАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ЙХХБ катта инспектор-навбатчиси, майор Карим Тошқораевга турмуш ўртоғи Ўғиллой САФАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Транспорт ИИБ Қўқон темир йўли бекати тармоқ ИИБ раҳбарияти шахсий таркиби, фахрийлар кенгаши ички ишлар идораси фахрийси, истеъфодаги майор Йўлчибой ҒАНИЖОНОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.</p>
--	--	---	--	--	--

ТОШКЕНТ – 2200 ЁШДА!

ТАЪРИФИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

Кундан-кун чирой очиб бораётган пойтахтимиз азалдан кўпчиликнинг эътиборини қозониб, тилларда достон бўлиб келган. Қадим Тошкентнинг тарихи, урф-одатлари, меҳмондўст халқи, анъаналари, қолаверса, иқлими ва табиати бу шаҳарга ташриф буюрувчиларни ўзига мафтун этгани маълум. Келинг, шу ўринда ҳадемай 2200 йиллик тўйини нишонлайдиган Тошкент ҳақида ёзиб қолдирилган манбаларни кўздан кечирайлик:

Навойнинг замондоши, хиротлик Зайниддин Восифий (шоир ва муаррих) илк таассуротини шундай тасвирлаган:

«Бир шаҳар кўрдимки, ... атрофида Кайковус биноларидан қорбоғлар бўлиб, ундан Эрам боғининг дилида доғи бордир...». Муаллифнинг фикрича, у шундай бир шаҳардурки, ўзга юртлардаги подшоҳликдан бундаги гадолик улугдир. Чунки, Тошкентнинг тупроғи тупроқ эмас, тўтиё, суви эса обиҳаётдир. Йўқ-йўқ, обиҳаёт эмас, ундан ҳам муътабарроқ. Обиҳаёт унинг қиёсида хижолатдан зулматга чекинади...

Адиб шигил мевасини кўтара олмай, қомати кекса чолдек буқилган серҳосил дарахтларни, дилбарлар ёноғини эслатувчи қирмизи олмалар, серсув шафтолилар, латиф ноклару жаннат меваларидан ҳам тотлироқ беҳиларни завқ-шавқ ила таърифлаган эди.

Восифийдан салкам тўрт юз йил кейин яшаган Комил Хоразмийнинг Тошкент таърифида айтганлари ўзидан олдинги ижодкорларникига ниҳоятда ҳамоҳанг. Адибнинг «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд» (Тошкентнинг таърифи ва тавсифи баёнида) асари бу фикримизни тасдиқлайди. Мазкур асар ҳажман анчагина катта бўлиб, юз мисрани ташкил этади. Қасида жанрида битилган ва адиб ҳиссиётларининг ушбу лирик намунаси ўз даврида «Туркистон вилояти газети»да чоп этилган эътиборга молик. Шоирнинг таъриф этишича: «Тошкент шундай шаҳардурки, гўбори (чанги) «қўхлул жавоҳир» (қимматбаҳо тошдан ишланган сурма) сингари «тийра» (хира) кўзларни равшан қилиш қудратига эга.

**Тийра кўзларни қилур равшан томошоси анинг,
Гўйиё қўхлул жавоҳирдур гўбори Тошканд
Лойик эрмас они ташбиҳ айламак ҳеч шаҳрга
Айласа ҳар ерга ташбиҳ ўлгай ори Тошканд.**

«Шаҳарнинг хазонрез райти шундай гўзал, хушхаво бўлса, баҳори қандай экан-а!» – завқланиб ёзади адиб.

**Хуш ҳаволук мунча бўлса,
онда айёми хазон,
Ёриб, эркандур нечук фасли баҳор Тошканд?!**

Шоир шаҳарнинг ажойиб табиати-га гувоҳ бўлгандаги ҳайратларини ифодалашда давом этади:

**Бўлди меҳмон жойимиз ҳақ лутфидин бир боғким,
Мевазору, лолазору,
нахлзори Тошканд.
Вусъати назҳатда рашки жаннатул маъзодадурур
Кавсару тавсия наҳри жўйбоир Тошканд...
Тўбиосо бош чекиб чархи муалло авжига
Арчау ел бирла шамшоду чинору Тошканд.
Таъму лаззатда эрурлар бир-биримидин алаз
Фўртахолу олма-ноку обдори Тошканд.
Лойик эрмас они ташбиҳ айламак ҳеч бир шаҳрга
Айласа ҳар ерга ташбиҳ ўлгай ори Тошканд.**

«Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд» асари фақат таърифу тавсифдангина иборат эмас. Унда шаҳар аҳли, у тўрт даҳадан иборат эканлиги, боғлар, иморатлар ва уларнинг қурилиши, айрим воқеалар таассуроти ҳам берилган. Шу билан бир қаторда Русия ва у орқали Оврупадан кириб келаётган ахлоқ, маданият, муомала, ижтимоий ҳаётга алоқадор янгиликлар ҳам ўз ифодасини топган.

Комил Хоразмийдан 20 йил кейин Тошкентга келган «Вақт» (Оренбург) газетасининг муҳбири Ш. Мухаммад-ёров шундай ёзади: «Мен Тошкентда-

гидай беадад соя-салқин дарахтларни, кўчаларнинг ҳар икки ёнида шарқираб оқиб турувчи муздай ариқларни дунёнинг бирор ерида учратиш мумкин эмас, деб ўйлайман. Мен Парижнинг булварларини кўрдим, Тошкентникига ўхшата олмадим».

Тошкент ҳақида сўнги беш юз йил мобайнида Бобурдан то Комил Хоразмийгача, ундан кейин Абдулла Ориповгача кўп ва хўб ёздилар. Устоз Мақсуд Шайхзоданинг бу борада махсус достон битгани ҳам маълум. Уларда қадимий кентимизнинг ўзига хос жиҳатлари, кўркем табиати, одамоҳун, меҳмоннавоз халқи муҳаббат билан тилга олинади.

Буларнинг барчаси қўхна шаҳар тарих сахнасида нечоғли катта ўрин тутганлигини англатади. Ҳамиша иқболнинг баланд, чиройнинг бокий, тараққиётнинг бардавом бўлсин она шаҳрим – Тошкентим!

Жамшид НИЁЗОВ.



ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

БАХТЛИ ЯШАШ УЧУН
ОДДИЙ МАСЛАҲАТЛАР

● **Келажак ҳақида узоқ орзу қилиш ярамайди. Йўқса ҳаётни хаёлотларда ҳисоб-китоб қилиб, қимматли нақдимиз – ҳозиримизни йўқотамиз.**

● **Имкон қадар эртароқ туринг. Шунда кундалик режангиздан кўпроқ ишни бажаришга улгурасиз. Эрталабдан бир қошиқ асал билан бир стақан илиқ сув ва бир неча томчи лимон шарбати ичишга одатланар. Ушбу ичимликлар таъсирида танангиз тозаланади ва «уйғонади».**

● **Очликни ҳис қилма-гунингизча ҳеч нарса еманг. Фақат соғлиқ учун фойдали бўлган нарсаларнигина тановул қилинг.**

● **Ҳар куни ҳеч бўлмаса**

бир соат вақтингизни сукунатда ўтказишга ҳаракат қилинг. Кўплар соатлаб гап сотишга вақт топгани ҳолда ички мувозанат ва уйғунликни таъминлашга нафи тегадиган ўзликни излаш, яхши бадий асар ўқиш ва ибодат қилишдек машғулотларга фурсат топмайди.

● **Уйқуга кетишдан олдин эртанги муаммолар ҳақида ўйламанг. Уларни сиз эртага ҳал қиласиз. Яхшиси, бугун тезроқ улаш, куч тўплаш зарур. Ундан кўра яратгандан эртага уйғонганингизда куч ва соғлиқ беришини сўранг. Бу жуда муҳим.**

● **Ҳеч қачон ва ҳеч ким билан баҳс-лашмасликка ҳаракат қилинг. Баҳслар**

яхши муносабатларга путур етказди, зиддиятларга замин яратади. Қарама-қарши фикрларни жим тингланг. Кейин ўзингизга айтилган гапларни мулоҳаза қилиб кўринг. Аввало, яхшилаб ўйлаб олинг, жим туринг, сўнг суҳбатдошингиз билан хотиржам гаплашинг. Кўп ҳолларда хотиржам мулоҳаза юритувчи кишилар суҳбатдоши қалбини забт этадилар. Ва муаммо ўз-ўзидан чекинади.

● **Ўз ҳаётингизни ким биландир «баҳам кўриш»дан олдин бу сизга ҳақиқатан ҳам зарур ёки зарур эмаслигини таҳлил қилиб кўринг. Кўпинча биз ўзимизга мос бўлмаган кишилар қуршовида бўла-**

миз, улар учун умримизни сарфлаймиз, ўзимизни кераксиз давраларга бағишлаймиз.

● **Шуни яхши англаб олинг-ки, фақат ўзингизгина муаммоларингиз сабаби ва уларни ҳал қилиш йўллари-ни топасиз.**

● **Йўқотиш ва топиш-ни худди тадбиркордек қабул қилинг. Баъзан ҳаётимизни янада яхшилаш ва турмуш даражасини ошириш учун ҳам йўқотишимизга тўғри келади. Сабр билан кутинг. Унутманг, омадсизлик – омад сари қўйилган илк қадамдир.**

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Нимтабассум

Тўйдан сўнг келин ва куёв ёлғиз қолибди. Куёв:

– Ҳақиқатни айтишга тўғри келади. Мен калман, бошимдаги сочларим сунъий.

Келин:

– Жуда яхши. Менинг эса тишларим ясама.



Мендан олган 10 минг сўм эсингиздами?

– Эсимда.

Эсингизда бўлса, айтинг-чи, ўша пулни қачон қайтиб оламан?

– Мен қаердан билай! Авлиё эмасман-ку.



Габроволик магазинга кирибди ва қора товукнинг тухумини сўрабди.

Сотувчи ҳайрон қолибди:

– Мен уни билмайман. Агар билсангиз ўзингиз танлаб олинг.

Габроволик энг катта тухумларни танлаб олибди ва чиқиб кетибди.



Габроволикни хотини уришмоқда:

– Меҳмонларга бирон муздекроқ нарса таклиф қилсангиз-чи?

– Бажонидил, – деди эри ва ойнани катта қилиб очиб юборди.

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
IV BIRLASHGAN
TAMIRIYATI**

**MUASSIS:
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR
VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahniyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxon
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7803. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57176 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.